

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**292 Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг  
Бухоро филиалини ташкил этиш тўғрисида**

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш вазифаларининг тобора кенгайиб бораётган кўламларини, шунингдек айрим минтақалардаги қишлоқ хўжалиги ерларининг минераллашиши ва шўрланганлик ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ҳамда мамлакат иқтисодиётининг ушбу энг муҳим соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлигининг Бухоро давлат университетининг гидромелиорация факультети негизида Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиалини ташкил этиш, унда «Сув хўжалиги ва мелиорация», «Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш», «Ер тузиш ва ер кадастри» таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиалига ҳар йилги талабалар қабул қилиш сони белгиланган тартибда тасдиқландиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталаридан келиб чиққан ҳолда белгилансин.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки, 2010/2011 ўқув йилида Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиалининг 1 курсида ўқийдиганлар контингенти сони 100 кишини, шу жумладан Бухоро давлат университетига тегишли таълим йўналишлари бўйича 1 курсга қабул қилинган талабалар ҳисобига: «Сув хўжалиги ва мелиорация» таълим йўналиши бўйича — 40 кишини, «Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш» таълим йўналиши бўйича — 30 кишини, «Ер тузиш ва ер кадастри» таълим йўналиши бўйича — 30 кишини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2010 йил 1 сентябргача Бухоро давлат университетида ихтисослик таълим йўналишлари бўйича ўқиётган иккинчи ва учинчи курслар талабалари контингентининг Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиалига ўтказилишини таъминласинлар.

4. Қуйидагилар:

Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиалининг бошқарув ходимларининг чекланган сони 24 нафардан иборат бўлган ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиали фаолиятини ташкил этиш, унинг ўқув-лаборатория базасини шакллантириш, ўқув-методик ва илмий-педагогик таъминлаш чора-тадбирлари дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Олий ва ўрта махсус таълим вазири ҳамда Бухоро вилояти ҳокими зиммасига кўрсатиб ўтилган дастурнинг белгиланган муддатларда сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2010 йил 1 сентябргача бўлган муддатда:

Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиалини танлов асосида юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва ўқув-ёрдамчи ходимлар билан таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиалида ўқув-методик жараённинг ташкил этилишини таъминлаш, штат жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, уни дарсликлар ва ўқув адабиётлари, замонавий компьютер техникаси билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсинлар;

Бухоро давлат университетининг ташкилий тузилмасига, шунингдек Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳамда Бухоро давлат университети уставларига зарур ўзгартиришлар киритсинлар.

6. Бухоро вилояти ҳокимлиги Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиалини Бухоро шаҳри, Газли шоҳ кўчаси, 32-уйга жойлаштирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Бухоро давлат университетининг харажатлар сметасига, ундаги «Гидромелиорация» факультетининг тугатилишини ҳисобга олган ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритсин;

2010/2011 ўқув йилидан бошлаб Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиали фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда зарур бюджет маблағлари ажратсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 20 август,  
182-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 20 августдаги 182-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиалининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг умумий сони — 53 киши,  
шу жумладан бошқарув ходимлари — 24 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 20 августдаги 182-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиалини  
ташқил этиш, унинг ўқув-лаборатория базасини шакллантириш ва илмий-  
педагогик таъминлаш чора-тадбирлари  
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Бажариш мuddатлари	Бажариш учун масъуллар
<b>1. Филиал фаолиятини ташқил этиш масалалари</b>			
1.	Филиалнинг штат жаdвали ва харажаatlари сметасини тасдиқлаш.	2010 йил август	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент ирригация ва мелиорация институти
2.	Танлов асосида Филиални тоқори малакали кадрлар билан бутлаш.	2010 йил август	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Бухоро давлат университети
3.	Филиалнинг Ҳомийлик кенгаши таркибини тасдиқлаш, унга кадрларнинг потенциал истеъмолчилари — вилоят қорхоналари ва ташкилотлари, вазирликлар ва идоралар вакилларини киритиш.	2010 йил сентябрь	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент ирригация ва мелиорация институти
4.	Филиалнинг талабалари учун амалиёт базасини яратиш, Филиал кадрларининг истеъмолчилари ҳисобланган вилоят қорхоналари ва ташкилотлари амалиётини ташқил этиш учун масъулларни бириктириш. Қорхоналар ва лойиҳа-қидирув муассасаларида кафедраларнинг филиаллари, бўлимларини ташқил этиш.	2010-2011 йиллар	Бухоро вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент ирригация ва мелиорация институти
<b>2. Филиалнинг моддий-техника базасини ташқил этиш ва мустаҳкамлаш</b>			
5.	Нуқсонларга доир далолатнома тузиш натижалари бўйича Филиал биноларини таъмирлаш учун зарур маблағлар ажратиш.	2010 йил август	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Давархитектурилиш» кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги
6.	«Гидравлика ва гидротехник иншоотлар», «Насос станциялари, энергетика ва алоқа», «Мелиорация», «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» ўқув аудиторияларини таъмирлаш ва жиҳозлаш.	2010 йил август	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Аму-Бухоро Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
7.	Филиал учун ўқув корпуси қуриш. Бунортмачини, бош пудратчини белгилаш.	2011 йил	Бухоро вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Давархитектқурилиш» кўмитаси
8.	Замонавий ўқув-илмий лаборатория базасини ташкил этиш. Шу жумладан: Гидравлика; Мелиорация; Гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш; Гидротехника иншоотлари; Насослар ва насос станциялари; Қишлоқ хўжалиги сув таъминоти ва яйловларга сув чиқариш. Ўқув-амалий машғулотларни ташкил этиш учун ўқув устахоналари яратиш.	2011 — 2014 йиллар	Бухоро вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Давархитектқурилиш» кўмитаси
9.	Ўқув-малака амалиётларини, дала тадқиқотларини ўтказиш мақсадида Филиалнинг Ўқув-илмий маркази учун ер ажратиш (50 гектар). Ўқув-илмий марказда қишлоқ хўжалиги экинларини сугоришнинг сув тежайдиган технологиялари ўқув-тадқиқот полигонини ташкил этиш (томчилатиб сугориш; ёмғирлатиб сугориш; тупроқ орасидан сугориш; ер устидан сугоришнинг такомиллаштирилган усуллари).	2011 — 2014 йиллар	Бухоро вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Давархитектқурилиш» кўмитаси
10.	Бошқа жойлардан келган талабалар яшайдиган жойларни мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш.	2012 йил	Бухоро вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Давархитектқурилиш» кўмитаси
11.	Филиал талабалари учун ошхона қуриш ва жиҳозлаш.	2011-2012 йиллар	Бухоро вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Давархитектқурилиш» кўмитаси
<b>3. Филиал фаолиятини ўқув-методик, педагогик таъминлаш</b>			
12.	Сув хўжалиги ва ирригацияни ривожлантириш вазифаларига, мелиоратив тизим шароитлари ва хусусиятларига, минтақа, чўл ва саҳро массивлари ер ва тупроқларининг геологик, сифат таърифларига мувофиқ Филиални тасдиқланган таълим йўналишлари бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, фанлар дастурлари билан таъминлаш.	2010 йил август	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент ирригация ва мелиорация институти
13.	Тошкент ирригация ва мелиорация институти филиалини ўқув-методик адабиётлар, ахборот материаллари (шу жумладан уларнинг электрон вариантлари), махсус даврий нашрлар билан таъминлаш. Филиалнинг ахборот-ресурс марказини ташкил этиш.	2010 йил сентябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Бухоро давлат университети

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Бажариш мuddатлари	Бажариш учун масъуллар
14.	Филиалда махсус фанлар бўйича машгулотлар олиб боришга жалб қилиш учун Тошкент ирригация ва мелiorация институти ва Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларидан малакали педагогик кадрлар таркибини аниқлаш.	2010 йил август	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент ирригация ва мелiorация институти
15.	Филиалдаги педагогик фаолият учун Тошкент ирригация ва мелiorация институти магистратурасида ёш мутахассисларни мақсадли тайёрлаш.	2011 йилдан бошлаб	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент ирригация ва мелiorация институти
16.	Филиал ўқитувчиларининг Тошкент ирригация ва мелiorация институти соҳалар бўйича кафедраларида ва «Истеъод» жамғармаси орқали малака ва тажриба ортиришларини ташкил этиш.	2011 йилдан бошлаб	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Истеъод» жамғармаси, Тошкент ирригация ва мелiorация институти
17.	Тошкент ирригация ва мелiorация институти ўқитувчилари томонидан маърузалар ўқиш учун Филиалда масофадан ўқитиш элементларини жорий этиш учун техник, дастурий, методик шарт-шароитлар яратиш.	2011 йил	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент ирригация ва мелiorация институти, ЎзААА
18.	Филиалнинг махсус кафедралари илмий тадқиқотлари йўналишларини белгилаш, грантлар жалб этишни ва хўжалик шартномаларини бажаришни ташкил этиш. Минтақанинг табиий-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда сувни тежаш, суғориладиган ерларнинг экологик-мелiorатив ҳолатини яхшилаш, туپроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар мавзулари рўйхатини ишлаб чиқиш.	2010-2011 йиллар	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент ирригация ва мелiorация институти
19.	Минтақанинг сув хўжалиги муаммолари бўйича Фанлар академиясининг илмий муассасалари, «САНИРИ» илмий-ишлаб чиқариш биришмаси ва «Ўзсувлройиха», «Ўздаверлойиха», «ЎЗГИП МЧЖ» лойиҳа-қидирув ташкилотлари билан бирга қўшма илмий-тадқиқий, илмий-методик ишланмаларни ташкил этиш.	2011 йилдан бошлаб	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент ирригация ва мелiorация институти, ЎзФА